



O'ZBEKISTON
RESPUBLICASI
MILLIY JAMOAQIY
INVESTITSIYALAR
KORXONASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
30 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 78
(12.194)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Авваламбор, сизларни умум-халқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзининг чуқур ҳурмат ва эҳтиромини билдиришдан бахтиёрман.

Бугун сиз, азизларнинг – кўз нури ва қалб қўрни, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини таратиб келаётган фидойи инсонларнинг шаънига самимий тилакларимизни изҳор этишни ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Хурматли ватандошлар!

Шу ойнинг бошида бутун халқимиз барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган миллий байрамимизни – Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини катта завқ, ғурур ва ифтихор билан нишонлади.

Бундан 18 йил олдин халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, асрлар давомида орзиқиб кутган эркинлик ва озодлигини қўлга киритиб, ўз олдига ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мустақил демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқро майдонда муносиб ўрин эгаллаш каби улуғ ва азгу мақсадларни қўйиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олди.

Ўтган йиллар мобайнида Ватанимиз эришган ютуқ ва марраларни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда юртимизнинг, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, чехраси обод бўлаётганини, иқтисодийимиз янги босқичга кўтарилиб, тез суръатлар билан ривожланиётганини, турмушимиз, ҳаёт тарзимиз юксалиб бораётганини кузатиб, диёримизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи мисолида биз танлаб олган йўлнинг, қандай оғир ва машаққатли бўлмасин, нақадар тўғри эканини кундалик ҳаётида сезиб, унинг натижаларидан баҳраманд бўлиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, биз ўз мақсадларимизга эришиш учун осон йўлни қидирмадик. Турли хил енгил-епил маслаҳат ва зугумларга берилмасдан, вазминлик ва қатъият билан эски тизимдан қолган асоратлардан воз кечиб, чуқур ўйланган сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, биз учун бутунлай янги жамиятни бунёд этиш йўлида астойдил, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилдик.

Авваламбор, ўз кучимиз ва имкониятларимизга суяниб, ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиий захираларимизни халқимиз ва келахат авлодимиш манфаатлари йўлида оқилона ишлатдик. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг техника ва технологияларини олиб қилиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгитдан қуришга, давлат бошқаруви, иқтисод ва молия тизими соҳасида ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишга эришдик.

Муҳтасар айтганда, қонунчилик тизими бўладими, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимининг марказий ва ҳудудий бўғинларини шакллантириш бўладими, юртимизни химоялаш, сарҳадларимизни дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини мустаҳкамлаш масаласида давлатни давлат, жамиятни жамият қиладиغان, жамиятни тараққиёт учун сув билан хаводек зарур бўлган барча сиёсий-иқтисодий тузилмаларни яратдик. Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда барпо этилган ана шу тузилмалар

нинг тўлақонли фаолият юритиши, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши учун уларни янгича фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб шаклланиш даврида бизнинг олдимишда турган энг оғир, энг мураккаб, шу билан бирга, энг нозик масала бўлганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азизларнинг – минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юртимизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва домлаларнинг зиммасига тушганини ва сизлар бу вазифани бутун борлигингизни бағишлаб, катта масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз.

Биз истиклолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтариб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилганимиз ва ҳозирги вақтда уларни яқини етказиб, бу борада ҳеч нарсаси билан ўлчаб, қийсалаб бўлмайдиган мислсиз ишларни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихида албатта сақланиб қолади.

Бу ишларнинг миқёси ва кўлами, даражаси ва моҳиятини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни олиб келишни ўринли деб биланам.

Биргина Мактаб таълимини ривожлантириш дастури доирасида сўнгги тўрт йил мобайнида 8 минг 500 та мактабда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янада аниқроқ айтганда бўлсак, юртимизда 351 та мактаб биноси янгитдан барпо этилди, 2 минг 470 та мактаб биноси ва уларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси капитал реконструкция қилинди, 3 минг 607 та мактаб капитал, 2 минг 72 та мактаб эса жорий таъмирдан чиқарилди.

Айни пайтда мактабларимизни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсқилар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни физика, кимё, биология фанлари бўйича лаборатория хоналарининг сони 2004 йилга нисбатан ўн баробардан зиёд, спорт залларининг сони эса 1,5 баробардан ортиқ кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, низоҳатда улкан, тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу Дастурнинг ижроси бўйича қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган қисқа давр мобайнида биз бу соҳада қандай катта қадам қўйганимиз аққол аён бўлади.

Ана шундай ишларимиз қаторида ўн икки йиллик узлуқсиз таълим тизимини жорий этиб, вояга етган болаларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларга касб-хунар ўргатиш мақсадида биз учун мутлақо янги бўлган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизимини ташкил қилган мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига алоҳида ёрқин саҳифани ташкил этади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан юртимизда 1997 йилдан бошлаб ҳозирга

қадар 2 триллион 368 миллиард 730 миллион сўм маблағ сарфлаб, 1364 та касб-хунар коллежи, 137 та академик лицей бунёд этганимиз барча узоқ ва яқин қўшниларимизнинг, жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва ҳавасини ўзига тортаётгани албатта бежиз эмас. Замонавий юксак талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган ана шундай таълим масканларини битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув, ижтимоий соҳалар ва бошқа жабҳаларда меҳнат қилаётган, эртанги кунга катта ишонч билан қараб яшаётган 1 миллион 446 минг нафар ёшларимиз бугунги ҳаётимизда юз бераётган беқиёс ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда соҳада ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қабул қилган қарорларимиз аввало педагогларнинг профессионал малакасини, уларнинг изланиш ва ташаббускорлик фазилатларини юксалтиришга, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам дўстлар! Мана шундай байрам кунларида биз мустақиллик йилларида ҳар қандай оғир синов ва қийинчиликларга қарамасдан, бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттириш, юртимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига эришиш йўлида қилган ишларимизга ҳолисона баҳо бера эканмиз, бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биланам.

Биз амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислохотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган, уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси, ижтимоий фаоллигининг юксалиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

Бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шарти ва гарови бўлиши бу масалани ўз навбатида таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб ечиб бўлмаслигини чуқур англаган ҳолда, биз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу вазифани адо этиш учун бор қуч-ғайратимиз, имконият ва салоҳиятимизни сафарбар этмоқдамиз ва келажақда ҳам бу масала доимий эътиборимиз марказида туриш шарт.

Бу ҳулосанинг яна бир тасдиғини бугун, дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришаётганимиз негизида айнан таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш қийин эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим соҳасининг оғир, айни пайтда шарафли юқини ўз елкасида кўтариб келаётган, менинг энг яқин маслақдош ва кўмакчи бўлган сиз, азиз муаллимларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Сизларни қутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан баракат топинг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар кун



ҲАР БИР СЎЗИ ИБРАТЛИ САБОҚ

Донишманддан сўрадилар: – Дунёда энг улуғ зот ким? Ул зот дарҳол лутф қилди: – Ота билан она, эй ўғлон! Донишманддан яна сўрадилар: – Ота билан онага баробар табарруқ инсон борми? – Бор, – деди донишманд, – у зот муаллимдир. Ота-она фарзандаг моддият ато

этса, муаллим маънавият бағишлайди. Қўлига китоб деган неъмат, қалбига илмга муҳаббат деган туйғуни жо этади.

Дарҳақиқат, устоз-ўқитувчининг меҳрини нур сочиб, борлиқни яшнатаётган саховатли қуёшга менгаш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Таабир

Тошкент туманидаги Зоир-жон Жалилов номли маҳалла-нинг янги гузари одамлар билан гавжум. Муҳташам бино тўрида маҳалла фахрийлари даврага фойз киритиб ўтиришибди. Ёшу қари янги гузарининг тантанали очилиш маросимига йиғилишган. Биз фурсат топиб, маҳалла оқсоқоли Мурод Мирзахалиловни суҳбатга тордик.



ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

– Маҳалламизда икки юз етмишдан ортиқ хонадон бўлиб, уларда икки мингдан ортиқ оила иқтисодат қилади, – деди оқсоқол. – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётимиз. Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликда гап кўп. Яқинда 170 га яқин оилага моддий ёрдам кўрсатилиб, йигирма миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига табиий газ учун тўлов бўйича уларнинг қарзлари қопланди. Оғир бетоб ётган маҳалладошларга молиявий ва тиббий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалламизнинг салкам қирқ фоизи ёшлар. Уларнинг таълим ва тарбияси доимо диққат-эътиборимизда. Шу йилдан бошлаб, маҳалламизнинг иқтидорли ёшлари учун стипендия таъсис этилди. У илк бор туманимиздаги 9-мактабнинг саккизинчи ва тўққизинчи синф ўқувчиларига тақдим этилди. Мана бугун очилиш қўллаб-қувватлаш маҳалла гузари ҳам бирдамлик, ҳамжиҳатлик эвазига бунёд этилди, десам аниқлашмаган бўлман.

Ташқарида қарнай ва сурнай



овозлари янграб, гузарининг тантанали очилиш маросими бошланди. Тошкент тумани ҳокимилиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси мутасаддилари ва маҳалла фахрийлари сўзга чиқиб, янги гузар барпо этишдек хайрли ишнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталдилар. Ҳаммадан ҳам маҳалла аҳлининг қувончи чексиз.

Тўғрун Ашрапов, маҳалла фаоли:

– Маҳалламизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан кўнглимиз тўқ, Янги қурилган ушбу гузар ҳаммамизни бирдек қувонтир-

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил 28 сентябрдаги «Ўқитувчилар ва мураббийлар кун муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатқурсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида асосан ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир қатор юртдошларимиз ватанимизнинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” Абдурайимов Саври-ниса Маликовна – Олмалик шаҳар кончилиқ касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” Зарипов Аскар Гафур-евич – Қўрай туманидаги энергетика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси.

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан Якубов Қосим Мансур-ович – Бекобод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси.

“Шуҳрат” медали билан Ачилова Жамила Махмудовна – Чиноз туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари.

Мирзаева Назира Убайдуллаевна – Оҳангарон туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Мусаев Абдурашит Ибрахимович – Чирчиқ Олимпиа заҳиралари коллежининг эшак эши спорт тури бўйича бош мураббийи.

Темишова Феруза Темировна – Бўстонлиқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси.

Усмондиёрова Муҳаббат Умаралиевна – Бўжа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси.

Марказнинг очилишида тегишли вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус вакиллари, халқаро таълим-тарбия мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноий жазоларни либерallasштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда ички ишлар вазирининг ўринбосари А. Шодиев, БМТ Ривожланиш дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Анита Нироди ва бошқалар юртимизда инсон ҳуқуқларини химоялаш, жазо муҳлатини ўтаётганлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Ушбу марказда фақат дори-дармонлар билан эмас, балки махсус руҳий-психологик чора-тадбирлар орқали ҳам соғломлаштирилади. Марказдаги кутубхона, тренажёр зали, ошхона, машғулотлар ва ўқув хоналари барча зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

2010 обуна
йил учун бошланди

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг
индекси – 205.

Софлом она – софлом бола

МАЪРИФАТ ЖОНКУЯРЛАРИ

Тадбирда мактабдан ташқари таълим масканларида кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган фидойи ўқитувчиларга эсдалик совғалар топширилди. Болалар бадийи жамоаларининг концерти намойиш этилди.



ЎЗА.

Zulfiya SATTOROVA,
Zangiota tumanidagi
15-maktabning
6-sinf o'quvchisi.

ҲАР БИР СЎЗИ ИБРАТЛИ САБОҚ

технологиялар асосида ташкил этиб, баркамол янги авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўймоқдалар.

Жўраҳон опа хақида гап кетганида, ўқувчилик йилларим ёдимга тушиб, бодалигим қайтиб келгандек бўлаверди. Чунки, Жўраҳон опа қўлимга қалам ушлашни ўргатганини, ақлбени танитган биринчи ўқувчим бўлганлигини ҳеч қачон унутмайман.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Латифжон МАНСУРОВ.

«01» огохдантирдаи

МАВСУМ ТАЛАФОТСИЗ ЎТСИН

лар ва бошқа транспорт воситалари соз, учқун ушлагич ва бирламчи ёнғин ўчириш анжомлари билан жиҳозланиши лозим. Мой, ёқилғи томадиган, электр ускуналари носоз ва учқун ўчиргичи бўлмаган машиналардан фойдаланиш тақиқланади. Пахта хом ашёси ортилган трактор тиркамалари ўсти брезент билан ёпил-

Пахта териш машиналари ва барча транспорт воситаларида, тракторларда, пахта далаларида, хом ашё сакланадиган жойларда чекиш ва очик оловдан фойдаланиш, бункерлари хом ашё билан тўлдирилган терим машиналариغا ёқилиш кўйиш ва дала-ларда қолдириш ман этилади.

Теримчиларнинг вақтинчалик тураржойларида носоз ва вақтин-чалик электр симларидан фой-даланиш, қоғоз ва латталар би-

Барно АЗИМОВА,
вилоят ИИБ ёнфин
хавфсизлиги бошқармаси
НОЗИРИ.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Семинарда генитал эндометриоз патогенезининг олдини олиш, таххис қўйиш ва даволашнинг янги усуллари ва воситалари ҳамда замонавий контрацепция воситаларини қўллаш самараларига оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Германиянинг "Байер шеринг фарма" фармацевтика компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тад-

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Нишондорларимиз

УСТАСИГА БАРИБИР

деганларидек, фермер муҳандисдан чиққан бўлса, техникага таяниб, фаолиятини бир маромда ривожлантириб боради

муносиб тақдирланиши ки-
шига қанчалик руҳий озуда
беришни фермер бўлга-
нимдан сунг аниқ ҳис қила
бошладим, – дейди Мардон
Тоиров. – Жамоа ҳужа-
лиги даврида алоҳида
шахсини меҳнати умумжа-
моа соясида қўлиб, у қадар
кўзга ташланмас эди. Сабъ-
ҳаракатларимизнинг ажру
мукофотлари бизга қуч-қай-
рат бағишляпти.

Ҳозир Мардон Тоиров Бўка туманининг олди фермерларидин. Хайдов, чирик, транспорт тракторлари ва бoshка механизмлари ўзларига етарли. Халол меҳнати билан эришяётган ютуқлари тўғрисида ҳурмат-эътибор қозонаяпти. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Фармонига мувофиқ «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Мухандисдан чиққан фермер дастлабки йилданок ўзига билдирилган ишонч-ни оқлаб, давлат эҳтиёж-лари учун ғалла ва пахта

– Меҳнатнинг қадри ва айниқса, унинг ҳукумат томонидан эътироф этилиб,

Фермернинг бу дил
сўзларини 20,5 гектар май-
донда дуркун ривожланиб,
мўл ҳосил тўплаган ғўзлар
яққол исботлаб турибди.
Қишлоқ мулкдорининг
ҳисоб-китоби бўйича ҳо-
силдорлик 35 центнерга
етиб, камида 70 тонналик
хирмон уюлади.

СУРАТДА: Мардон Тоиров
«Қорақудуқ» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси
Ҳанифа Аноркулова билан
суҳбатда.

Собир ЗУФАРОВ
олган сурат.



ГИЁҲЛАР ДАВОСИГА НЕ ЕТСИН

"Ўзбекистон темир йўллари" компаниясига қарашли **"Чимён"** санаторийсида бир пайтнинг ўзида 200 киши даволаниб, дам олиш имкониятига эга.

Шу йилнинг ўзида сўхат-
гоҳ 2100 мижозга хизмат
кўрсатди.

Бу ерда кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бунинг учун кўшимча 275 миллион сўм сарфланди.

Эндиликда "Чимён"да барча кулайликлар муҳайё этилиб, яна кўплаб темирйўлчиларни даволаш имкони туғилди. Айниқса, доривор гиёҳлар ёрдамида йўлга кўйилган даволаш жараёни яхши самара бермоқда.

Ақбар АЛИЕВ.


ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИККАТИГА!

Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги "Вилоят ҳудудига joyлашган ҳарбий қисмлари сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмокда. Комиссия IV чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича куйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

1. Ун (1- ва 2-навлар)
2. Қолипчи нон маҳсулот (1-нав ундан тайёрланган)
3. Қотган нон
4. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулотлари
5. Ёрим дудланган қолбаса маҳсулотлари
6. Дудланган гўшт
7. Тухум
8. Мева шарбатлари (соқ, компот)
9. Сут маҳсулотлари (қаймоқ, пишлоқ ва творог)
10. Томат пастаси
11. Картошка
12. Карам
13. Сиркаланган карам, помидор ва бодринг
14. Тузланган бодринг ва помидор
15. Сабзи
16. Лавлаги
17. Пиёз
18. Шолғом
19. Редиска
20. Қовоқ
21. Хўл мевалар
22. Қуритилган мевалар
23. Ҳамиртуруш
24. Ҳашак, сомон, тарик.

**Таклифларингиз 2009 йилнинг
5 октябрга қадар қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун тел.:
233-75-11, 236-15-51.**

Манзил: Тошкент ш. А. Темур
шоҳқўчаси, 17-уй.
Тошкент вилояти ҳокимлиги, 4-қават.
Иқтисодиёт бошқармаси.



2008 йилда виллоятда 2167 тонна балик етиштирилган бўлса, бу кўрсаткичи 2009 йилда 2815 тоннага, 2010 йилда 4258,3 тоннага, ёки 2008 йилга нисбатан салкам 2 бараварга ошириш белгиланган. Тезкор маълумотларга кўра, виллоятда йил бошидан 1106,9 тонна ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 140 фоиз кўп балик етиштирилди. Бу рақамлар виллоятда тармоқ ривожига қаратилаётган эътибор самаралари салмок касб этиб бораётганини англатади.

Тармоқ ривожига ҳақида гап кетганда, яратилаётган қулай шарт-шароит-

ТАРМОҚ РИВОЖИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

ларни ҳам тилга олиш жоиз. Хусусан, ҳовузлар тубини чуқурлаштириш, дренаж ва коллекторларни тозалаш ишлари Бекобод, Чиноз, Оккўргон, Бўка, Охангарон, Урта-чирчик, Янгийўл туманларида балиқчилик соҳасида фаолият кўрсатаётган ва янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларида намунали амалга оширилди. Бўка туманидаги "Тўлабой Бобур" фермер хўжалигида 300 метрлик, Охангарон туманидаги "Оханг-Обод-Пўлат-Дийр" фермер хўжалигида 40 метрлик зовурлар,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2009-2011 йилларда Республикада балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури"нинг бажарилишини таъминлаш мақсадида виллоят ҳокимининг 2009 йил 19 январда тегишли фармойиши қабул қилиниб, виллоят ва туманларда махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилди ҳамда уларнинг вазифалари белгиланган.

Виллоятимизда 2009 йилгача тармоқда 59 та корхона ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб келганди. Жорий йилда эса бу борадаги саноат-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 23 та махсус балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди ва бутунги 6300 га улар сони 82 тага етди. Уларга жами 5630 гектар ер, шу жумладан, 3833 гектар сув ҳавзалари ажратиб берилган.

шу тумандаги "Ёнарик" фермер хўжалигида 11 гектар ер майдони 3 метр чуқурликда тозаланиб, 3 та янги ҳовуз барпо этилмоқда.


Кибрай туманида ташкил этилган "НТ Фиш-Фарм" масъулияти чекланган жамияти эса асосан қимматбаҳо (фарель, лақа ва осётр) балиқларини етиштиришга ихтисослашган бўлиб, унинг ихтиёрига 2 гектар ер майдони ажратилди. Хўжаликда балиқларни етиштириш интенсив технология асосида амалга оширилиб, 1 куб

метр сув ҳавзасида ўртача 40-150 килограммгача фарель, лақа ва осётр балиқлари етиштирилаётган.

2008 йилда АҚШдан олиб келинган фарель балиқ икраларидан корхона инкубация цехида 70 мингдан зиёд чавок чиқарилиб, парвариш қилинмоқда. Корхонада айни вақтда 4 киши ишламоқда ва режа бўйича жорий йилнинг сентябрь ва ноябрь ойларида 15 тонна фарель балиғи етиштириш қутилмоқда. Виллоятда соҳа ютуқларини оммалаштириш,

илғор технологияларни жорий этиш, бунинг учун балиқчилик хўжаликлари ишчи-хизматчилари малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Янгийўл туманидаги Минтақавий балиқчилик питомниги илмий-тадқиқот маркази ва Куйичирчик туманидаги "Балиқчи" ҳиссадорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари ҳамда балиқчилик соҳаси бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида кўргазмали семинар ўтказилди. Унда балиқчилик соҳасини ривожлантириш бўйича долзарб масалалар ва уларнинг ечими ҳамда соҳа раҳбарларининг малакавий билимларини ошириш юзасидан машғулотлар олиб борилиб, семинар иштирокчиларига 100 дан ортиқ ўқув ва услубий қўланмалар тарқатилди. Шунингдек, Чиноз омихта ем ишлаб чиқариш заводи билан балиқчилик корхоналари ўртасида шартномалар тузилиб, уларни узлуксиз етказиб бериш масалалари ҳам ижобий ҳал этиб олинди.

Холтўра СУВОНОВ,
виллоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.



ОЗОН ТУЙНУГИ КАТТАЛАШМОҚДА

Ҳозирги тезкор оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг қайси бир қисмида қурқоқчилик бўлса, яна бир қисмида сув тошқини бўлаётганидан хабардоримиз. Лекин, мана шу юз бераётган ҳодисалар айнан инсон фаолияти, унинг ҳатти-ҳаракати тўғрисида содир бўлаётганини тан олгимиз келмайди.

Инсониятнинг ташқи таъсирлардан энг мустаҳкам ҳимоячиси – озон қатлами ҳисобланади.

Атмосферанинг озон қатлами жуда юққа бўлиб, куёшдан келаётган ультрабинафша нурларни ўтказишда филтёр вазифасини бажаради ва ердаги тирик организмларни каттик радиациядан сақлайди, инсоният, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёсининг эволюцион ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги фан ва техниканинг беқиёс ривожланиши инсоният фаолиятини жиловлаб бўлмайдиган ҳолатга олиб келди. Йилга-йилга эришган қанчалар қанча ифосланувчи газ, қурум ва бошқа захарли моддалар чиқарилади. Ундан ташқари ҳар йили совутигичлар ва бошқа агрегатлар учун 20 миллион тоннадан ортиқ фреон моддаси ишлатилиб, атмосферадаги озон қатлами парчаланишига олиб келаётган.

Оқибатда Антарктида устида озон туйнуқлари пайдо бўлиб, ҳозирги вақтда улар катталашиб бораётганини аниқланди. Шунинг учун ҳам озон қатлами муаммоси бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам бу муаммага ўз эътиборини қаратиб, атмосферадаги озон қатлами аёвсиз парчаланишига қарши жиддий чоралар кўрмоқда. Мазкур ташкилот томонидан музлатувчи агрегатлардан фреон моддасини сўриб олувчи ускуналар жорий этилиб, улар республикамизга ҳам келтирилди. Шу билан бирга 16 сентябрь – Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунини нишонлаб, бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда.

Сайёра ЖҲАЕВА,
Олмалик табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси 2-даражали мутахассиси.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ ОМИЛЛАРИ

Бекобод шаҳридаги саноат, техника ва иқтисодиёт касб-хунар коллежиди "Ўзметкомбинат", "Бекободцемент" ва бошқа корхоналар учун малакали мутахассислар тайёрланади.

Илм даргоҳида экология фани ҳам муҳим қўмитаси бўлиб қолган.

Яқинда коллежда "Ўзбекистонда экологик сиёсатнинг моҳияти ва унда саноат экологиясининг тутган ўрни" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. У Бекобод шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Конференцияда иштирок этган қўмитамиз мутахассислари шаҳардаги экологик вазият, бу борада амалга оширилаётган ишлар, уларнинг самараси ва мавжуд экологик муаммолар ҳақида талаба-




ларга атрофдаги гап-гўшга берилди.

Коллеж ўқитувчиларининг "Ўзбекистон экологик сиёсатининг моҳияти", "Саноат экологияси", "Кам чиқиндиларни технологиялар", "Орол денгизи муаммоси", "Дунёдаги демографик муаммо" каби мавзулардаги маърузалари ҳам талабалар томонидан қизиқш билан қўлиб олинди.

Қодиржон МАВЛОНОВ,
Бекобод шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

ёш авлод камолоти, йўлида силкидилан меҳнат қилаётган барча ўқитувчи ва мураббийларни, эртанги қўллар айём билан самимий муборакбод этади. **Муҳтарам устозлар!** Мустақил юртимиз келажакнинг муносиб эгалари бўлиш баркамол, ҳар жиҳатдан салоҳиятли авлодни тарбиялашдаги эзгу ва шарафли ишларингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!



ХАЗОН ЁНГАНДА...

Ўлкамизга куз фасли келиб, атрофга ажиб бир соқинлик бахш этиди. Бу фаслда атрофимизни қуршаб турган яшил бойликларнинг аксар қисми сарғайиб, хазонга айланади. Шу сабабли халқимиз кузги хазонрезги фасл, деб ҳам атайд.

Афсуски, айрим кимсалар томонидан кузда хазонлар ёқиб юборилди. Аслида бу барглар тўпланиб, ерга қўйиб ташланса кифоя, еримизга, ўсимликларга табиий ўғит бўлиб хизмат қилади. Бу ернинг унумдорлигини ошириши табиий. Агар бунинг иложи бўлмаса, уни ёқиб юбормай махсус ажратилган жойларга чиқариб ташлаган маъқул.

Шу ўринда хазон ёқиб юборилиши оқибатда зарарли моддалар ажралиб чиқиши ва бу қандай оқибатларга олиб келишини эслатиб ўтиш жоиз. Юқори ҳарорат остида турли органик моддалар ҳосил бўлади. Қуриган япроқлар ёқиб хазон ёниши тўғрисида хосил бўлган тўтундан тоқсин ажралиб чиқади. Жумладан, бир тонна ёнаётган ўсимлик қолдиқидан 30 килограмм углерод оксиди ҳосил бўлади.

Полицикллин углеводородлар – ўта кучли канцерогенлар. Акролеин ва сирка кислотаси ҳам жуда хавфли модда бўлиб, улар йўналиш қўзғайди, қўзғани қизариши ва ёшланишига олиб келади. Агар тўпланган хазон ичига пластик идиш, полиэтилен пакет ёки линолеум қолдиқлари тушган бўлса, атроф-муҳитга етказиладиган зарар янада хавфли тус олади. Бу эса инсон саломатлигига салбий таъсир қилиб, қон-томир хасталиқларини кучайтиради, тўқималар фаолияти бузилишига, тери, ошқозон-ичак ва қўз саратонига олиб келади. Таассуфки, бу айрим кимсаларнинг парвойига ҳам келмайди.



Одатда, биз атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бораётганлигини ҳис қилишимиз, лекин унинг ифлосланишида инсоннинг таъсири катта эканлиги ҳақида негадир ўйлаб қўрмаймиз. Шунча тушунириш ва тарғибот ишларига қарамай, бу салбий ҳолатлар бот-бот ўрчаб турганининг асли сабаби ана шу бепарволигимизда.

Абдураҳим АЙМАТОВ,
Олмалик табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси раиси.

Табиат ва ИНСОН

Тошкент виллояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси

МУҲИМИ — ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йилги йиғилишида асосий эътибор виллоятимизда чи-

фогилс қайта ишланган. Бекобод шаҳридаги "Эл-Паст-Нур" хусусий фирмаси ишлатилган полиэтилен маҳсулотларидан йилга 65 тонна суюқ қайта ишлаш қувватига эга. Охангарон туманидаги "Мурувват прогресс" масъулияти чекланган жамияти эса чорва моллари ва парранда суюқларини қайта ишлаш хисобидан йилга 700 тонна суюқ уни ишлаб чиқармоқда. Янгийўл шаҳридаги "Авесто-Шамс", Зангиотадаги "Chang-Yang", "Erkin Plast Fayz" каби корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳам асосий хом ашёси чиқиндилардир.

Чиқиндиларни қайта ишлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини юқори босқичга кўтариш учун соҳага олимларнинг тавсиялари, янги технологияларни жорий этиш билан бир қаторда чиқиндилар ҳосил қилаётган саноат корхоналарида чиқиндилар турлари ҳақидаги маълумотларда ошқоралиқни таъминлаш зарур. Бу уларни қайта ишлаш истагида бўлган тадбиркорлик субъектларига муҳим имконият бўлади.

қиндилар ҳосил бўлиши, уларни жойлаштириш ва қайта ишлаш муаммоларини ҳал этишга қаратилди.

Йилги йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуни ижроси ҳам муҳомама қилинди. Қонуннинг 11-моддаси талабларига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, умумдавлат дастурларини бажаришда иштирок этишлари, маҳаллий дастурларни тасдиқлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун шартли яратиб бериш, объектларни тегишли ҳудудга жойлаштириш масалаларини ҳал этиш, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишлари ҳамда чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш корхоналари ташкил этилишига қўллаш-ишлари белгиланган бўлиб, бу борада маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳаракатлар айтириб сезилмапти.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бу жараёнларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланган бўлишига қарамай, тақдирларнинг кўпчилигида табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликдаги ташаббускорлиги етишмаётган.

Зулхумор АБДУКАРИМОВА,
Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни жойлаштириш инспекциясининг етакчи мутахассиси.

Матти ҳукоялар

ХАЛҚОБДАГИ ЧАВОҚЛАР

Шолини ўришдан олдин шолипоёга таралган сув тўхтатилади. Ана шунда поллардаги сувлар қамайиб, чуқурроқ жойларда бир оз мuddат халқобчалар ҳосил бўлади.

Олтин кузнинг худди шу паллалари эди... Шолипоё чеккасидаги йўлдан кетаётган шўлап қийган бир қариянинг иккита челакада шолипоё ичидан ниманидир олиб, катта йўл чеккасидаги ариқча тўқаётганини кўрдим. Дарров танидим: бу киши машҳур шоликор Алексей Ким эди. Қизиқсиниб, унга яқинлашдим. Саломлашган, нима қилаётганини сўрадим.

— Сувни тўхтатган, ундаги майда чавоқ балиқлар халқобларга тўпланиб қолади. Улар нобуд бўлишади. Шуларни катта сувга ташлаётман, — деди отахон соф ўзбек тилида.

Орамизда шундай одамлар ҳам бор...

ЗАҒЧА

Қишда овга қизиқадиган дўстим Ўрозни кўргани бордим. Уйга кириб эндигина фотиҳага қўл очгандим, елкамга нимадир келиб қўнди. Қарасам қол-қора зағча. Дўстимга ҳазил қилдим:

— Энди ов қилиб юрмай, деб ов қўшларини уйда боқаясанми?
— Э, кимдир отганми, бошқами, оёғи саниб қолган экан. Уйга келтириб тахтикалаб қўйдим. Мана, ҳозир баладай учадиган бўлиб қолди. Негадир уйдан кетмапти.

Уйига кейинги борганимда зағча йўқ эди. Сўрасам, дўстим уни дарё бўйидаги кичик ўрмонзорга олиб бориб учириб юборибди...

«КАРВОН ЙЎЛИ»

Амакимникига ҳашарга тўпландик. Ховлининг дарвозасидан ташқарига икки машина шағал тўкилган экан. Биз — ёшроқ ҳашарчиларга уни ичкарига ташлаш юклатилди. Дарвозани очиб, эндигина шағал ташигга ҳозирланганимизда қайғадир иш билан кетган Абдулҳалил амаким келиб қолди. У дарвозадан ичкарига кираверишдаги қуёқ ажриқ-зорга пича тикилиб турди-да:

— Ҳай болаларим, тўхтанлар, шағални нарироқдан ташийсизлар! — деди.

У дарвозадан анча наридан симтўрнини очиб, ўтишга йўл тайёрлади.

— Ана энди ташийверинлар!

Хамма хайрон бўлиб қолди. Энди биз юкни ўн беш қадамдан эмас, балки ўттиз қадам жойдан ташигга мажбур эдик. Баъзиларимиз бундан хафа ҳам бўлдик. Анчадан кейин бунинг боисини билдик. Дарвоза ичкарисиданги ажриқзордан чумолилар карвон йўли ўтган экан. Агар биз бу ердан тош ташиганимизда уларни эзиб, янчиб ташлашимиз мумкин эди.

...Уларга ўхшаганларни айтишса керак, чумолига ҳам озор бермайдиган одам, деб...

Обид СУФИХОНОВ,
Куйичирчик тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.

Саҳифани виллоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Одил ЗУЛТОНОВ ва "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Ғайрат ШЕРАЛИЕВ тайёрлади.

Тошкент вилояти давлат педагогика институти жамоаси

**Озод ва обод юрт фарзандларини
ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар
қилиб тарбиялаш йўлида самарали меҳнат қилаётган
халқ таълими ходимларини, муҳтарам
ҳамкасбларимиз — олий ўқув юртлири
профессор-ўқитувчиларини,
илм-фан соҳасининг барча жонқуярларини
1 октябрь — Ўқитувчилар ва
мураббийлар куни
билан қизғин қутлайди!**

**Ота-она каби улуғ ва қадрли устоз ҳамда
мураббийларимизнинг йўллари ҳамisha нурли,
ҳаётлари сермазмун, кундалик меҳнат
фаолиятлари ютуқларга бой бўлаверсин!**



Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 18.05.2009 йилда № 051486 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 444804602) Исмаилов Сирожиддин Шахидович номига берилган бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 27.06.2006 йилда № 001452 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 206679807) "SALONIYAT-KOMMUNALCH" уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр ва бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 23.07.2007 йилда № 05-2932 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 203158451) "MUSTAQIL-KOMMUNALCH" уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр ва бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 12.04.2005 йилда № 000813 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 205610656) "SADOQAT-SERVIS-KOMMUNALCH" уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр ва бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хамза тумани Тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 13.11.2008 йилда № 000634 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 300983558) "JM JOXONGIR-BIZNES" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

— Олим ёлгон тополмай қолса, ҳар замонда ростам гапириб туради!
Хамқишлоқларимнинг бу гапи мени ўйлантириб қўйди: ҳақиқатан ҳам Олимжон ака шунақамикан?
"Одам қанчалик кўп ёлгон гапирса, уни ёлгонга ишонтириш шунчалик осон бўлади", деган "доно" фикр ҳам ҳаёлимдан ўтди. Бу фикрлар қанчалик ҳақиқатга яқинлигини аниқлаш учун хат ёздим:

"Хурматли Олимжон Усмонович!
Халқро оғизлар жамияти Сизнинг халқ олдидagi катта хизматларингизни инобатга олиб, "Нексия" автомобиласини билан мукофотлашга қарор қилди. Бунинг учун сиз:

1. Ҳақиқатан ҳам яхши кўрмаслигингизни тасдиқловчи шифокор хулосасини;
2. Тўрт томондан олинган 3X4 ҳажмдаги олти дон суратингизни;
3. Оқизлигингиз ҳақида маҳалла оксоқолининг билдиргисини зудлик билан бизга йўллашингизни сўраймиз.

Юқоридagi ҳужжатларни қанча тез жўнатсангиз, "Нексия"нинг уйингизга етиб бориши шунча жадаллашади.

Хурмат билан, Халқро оғизлар жамиятининг раиси Си Ку Ха".

Хат кетди. Натижасини бир ойдан кейин, қишлоққа бориб, Олимжон аканинг ўзидан эшитдим:

"Хат келиб хотинни қўлга тушипти: икки қаторини ўқиб, шайтонлаб қопти! Мен ўғилларни ёнимга олиб, шолли ўтоққа кетганман, нима қилишини билмай, Каримжоннинг уйига қопипти:

— Акангизга Худо бериб қолди, бориб хабар беринг, яна кеч қопди ўйрмайлик! Дўхтирдан ўтиши, маҳалладан қозғ олиши керак экан... Ҳа-а, расимам дейишпти, қайтишга Янгикўрғондан тушириб келарсиз..."

Ун гектарли ернинг еттинчи гектарида белимгача лойга ботиб шолли ўтоқ қилиб юриппан, биров қақиради-да! Қарасам, Карим!

Қоғозни силкитиб бақиради, ҳеч нарсаси эшитмайман.

Кўнглим бир нарсани сезиб, шоллойдан чиқиб келдим. Энди мени танип бўмайдилар: эгнимда отамнинг эски қўйлак-иштони — бир томони йиртилиб кетган, бир ёғи сўқилип... Иштон худди кир бўп қоладигандай, тиззагача шимарибман оғанман. Шунчалик ботганманки, лойга тушган чойнакти қолқоғидай бўп, кўзим кўринади холос!

Каримжон бўларга парво қилмай, мени шартта қучоқлаб олди: — Куллуқ бўлсин, домла, куллуқ бўлсин! Машиналар муборак бўлсин!

Олдинга хотиннинг пенсиясига латария қўшиб берганди, ўшанга

да кетяппан. Уст-бошим ҳалиги ахвол!
— Тўхта! Бу туришда бормай, ювиниб олай, — дедим.
— Э, ўзлари ювишади, — деди Карим.

— Кўмишдан олдин-а? — дедим.
— Йўқ, Донгизга маргубдан маширқача кетган. Машинани юваниз деб келадиганлар кўп, олдин мени ювасизлар, дейсиз-да!

Қишлоққа кириб борсам, хи-и-и-и, хотин ҳам бекор ўтирмай кўринган одам борки суянчиллаган шекилли, эшигимнинг таги тўйхонага айланган кетипти: супуриб-сиди-

«НЕКСИЯ» ҚУЛЛУҚ БЎЛСИН

машина чикиптимикан, деб унча суянмади: хотин ўлгунимча бошимда ёнғоқ қақарди-да, мен олиб берганман деп!

Каримжон хатни ўқиб беровди, туғалпан-да! "Опчиқовир!" деппан.

Энимизда "Наврўз"нинг тижорати бор. Тижоратчи билан биринчи матта шоллининг ҳисобидан улфатчилик қил, оғайни бўп қолганмиз. Каримжон ўтип, хатни кўрсатган экан, ярим қоп вино берип юборипти, барака топқир! Атрофимиздаги шолкорлар ёпирилиб келишди, тижоратчи ҳам бекор турмай, "Зовурилар нарғи-га ўтавер, Олимга Худо бериб қолди!" деб суянчилаб турганим, йўлдан ўтган одам борки бари келди! Тортворипти, тортворипти... Бир вақт қарасам, машина-

рилган, сувлар сепилган, стуллари ҳам терип қўйишпти.

Бир паста "келди-келди" бўп кетти! Олдин мени иккитаси қўлимдан, иккитаси оёғимдан кўтариб ариқча отти. Кў-ўп ювишди! Хотин бўлгуси қўйига атал сарполар обқўйган экан, уни кийдиришти. Бир пайт:

— Потиха киворинг, потиха киворинг! — деп қолишти.

— Нимага? — деп қарасам, қас-соп пичоғини қайрап, қўқорнинг оёғини боғлап ўтирган экан.

Бу ёғи ке-е-етти!
Эрталаб турсам, қўқорнинг ҳаром човоғини кучугини тортиклап юрипти: битта қўйдан шу қопти холос — қалла-пачасига пиширип еп юборишпти, азаматлар!

— Ҳамма оғайниларингиз кел-

ди-ю, — хотин бўшаган шишаларни қоплар экан гап қилди, — Мухтор ўртоғингиз кемади. Нима ораларингдан бирор гап ўтканмиди?

— Ҳа-я, нимадир етишмагандай бўп турганди кечқурун, энди эсимга тушти: Мухтор кемаган



миз, онамиз кўрмади бу кунларингиз, қанчалар суянчиларди...

Мениям кўнглим тўлип кетти. Унга қўшилмоқчи эдим, одам бурини чуқур тортип, қўзишини артип:

— Энди, Олимжон, мени гапимга кирсанг, шу "Нексия" деганларини омагин! — деди қатъий.

Анграйип унга қарадим.
— Экта ўлгинг бор, — одам давом этти, — "Нексия" ўлгиларингиз ўртасида талаш бўлади. Ундан кўра пулини оғин-да, эковига биттадан "Жигули" олиб бер!

Касалнинг кўнгли ўксимасин деб, "Ўхп", деп у билан жайрлашдим.

Мухтор мени жуда совуқ қарши олди. Қучоқ очиб табриклаш қайда, тилини учди зўра, "Ке!" деп қўйди.
— Олиймат бўлмай кетқир, маданиятни қачон ўрганасан!? Битта яримтани обориб, — қўйнимдаги ароқни хонтахта устига "тўқ" этак-қўйим, — "Куллуқ бўлсин, ўртоқ!" деп қўйсанг, асаканг кетадими!

— Нимани куллуқ бўсин дейман? — Мухтор пинагини бузмади.

Чўнтагимдан хатни олип, юзи-га урдим:

— Мана бунни ўқи, мана бунни! Ўқиди. Сал қўлимсиради. Аммо "Куллуқ бўлсин!" дейиш қайда!

— Хатнинг адресини ҳам ўқидингми? — деп сўради.

— Йўқ.

— Халқро оғизлар жамиятининг хати редакциянинг конвертида келадими, хумпай!

Конвертга қараб... Олдин ҳажвичи укамнинг кулип турган юзи кўз олдимдан ўтти. Кейин ярим қоп вино, валишга осилган қўқор, яшиқ-яшиқ ароқлар бир-бир айланган ўтаверди, ўтаверди! Унга қарабам ўтаверди, чапга қарабам ўтаверди...

Жа-а, маза қилип ўтирип, заҳар ичганда-а-ай ароқни ичдик. Кейин... Катта қўйдан кетсам, бирортаси "Куллуқ бўлсин!" деб қоса, қўлоғининг тагига қўйип юбормай деп, дала билан уйга келиб олдим...

Саид АНВАР.

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида оғир атлетика бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақасида қитъамизнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган 150 нафардан зиёд спортчи қўлибик учун куч синашмоқда.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни янада ривожлантириш, аҳолини, жумладан, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун қўлай шароит яратишга қаратилаётган доимий эътибор самарасида оғир атлетика ҳам жадал тараққий топмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Оғир атлетика федерацияси ҳамда Осиё оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақада



ҳамюртимиз Зилола Бўриева олтин медални қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоларидан Марина Сисова қумуш медалга сазовор бўлди, Нургул Султонмуродова эса кучли учликдан жой олди.

Ўсмирлар ўртасидаги қиз-қин баҳсларда Алишер Абдуллаев ва Бобомурод Чошимов шохсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди,

Беҳзод Юсупов эса учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистонда спортни, жумладан, оғир атлетикани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганидан хабардоримиз, — дейди Осиё оғир атлетика федерацияси ижроия қўмитаси аъзоси, бангладешлик Мухиддин Аҳмад. — Спортчиларнинг халқаро майдонларда юртингиз шарафини му-

носиб ҳимоя қилаётганига мамлакатда ёш авлодининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит яратилгани, спортни оммалаштириш тўғрисида қўйилган муҳим омил бўлмоқда. Осиё чемпионати ва Осиё кубоги беллашувларида мезбонлик қилаётган "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳам мусобақани юқори савидада ўтказиш учун барча имкониятларга эга эканига, мамлакатингизда бундай замонавий спорт иншоотлари қўлибига амин бўлди.

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида давом этган мусобақаларда қизлардан хитойлик Ву Жи Лин ва Лю Фенг, ўсмирлар ўртасида яна бир Хитой вакили — Чен Милонг, эронлик Жобир Беҳрузий, Қиянуш Рустамий ва туркманистонлик Омон Меревдов олтин медалга сазовор бўлди.

**Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎзА мухбири.**

"Бинокор-20" МЧЖ (ИНН 200556480) ва "Бекобод МТП" ОАЖ (ИНН 200556398) корхоналарининг банкротлик аломатлари мавжудлиги сабабли Тошкент вилояти Хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилинган, Тошкент вилояти хўжалик судининг 30.08.2009 йилдаги 11-0906/13187-сонли ажримига асосан "Бинокор-20" МЧЖ ишини қўриш 2009 йил 12 октябрь кунига, 29.08.2009 йилдаги 11-0923/13189-сонли ажримига асосан "Бекобод МТП" ОАЖ ишини қўриш 2009 йил 14 октябрь кунига белгиланган.

Мазкур корхоналар кредиторларининг биринчи йиғилиши 2009 йил 10 октябрь кунини соат 10.00 да Тошкент вилояти, Бекобод тумани Давлат солиқ инспекциясининг иккинчи қавати, 18-хонасида бўлиб ўтди.

Кун тартиби:
1. Тўғатиш босқарувчиси номзодини аниқлаш;
2. Корхонанинг барча кредитор ва дебиторларини аниқлаш;
3. Бошқа масалалар.
Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Фарход кўчаси, 5-уй. Тел.: 150-49-99.

"NORDBLINK Aluminum Building Materials" МЧЖ ХК ташкил этиш вақтида маълум қилинган устав фондини 1 550 000,00 АҚШ долларида 1 188 54,40 АҚШ долларига қайтарилмоқда.

2009 йил 26 сентябрь кунини ҳолатига "NORDBLINK Aluminum Building Materials" МЧЖ ХК амалдаги шакллантирилган устав фонди миқдори 1 188 554,40 АҚШ долларини ташкил этади.

Барча юридик ва жисмоний шахсларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида талаб ва эътирозлари Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 1-уй манзилида қабул қилинади.

"СУНДУС" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасига берилган, 1997 йил 17 июнда Адлия вазирлиги томонидан рўйхат бўйича № 000005 рақамли давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "SITORAI DURAXSHON" свидетельство о регистрации № 001805 от 13.07.2008 года ликвидировано в связи с чем все претензии принимаются до 30 ноября 2009 года.

Утеранный паспорт СА 211234, выданный Юнусбадским ИИБ 23.02.2005 году на имя Гилимши Руслан Дамировича просим вернуть за вознаграждение. Т.:777-31-25.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Улуғбек ХАМРОКУЛОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ